


# Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти самарадорлигини оширишнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш

30.09.2018 | Номер: №9(129)-2018 | 

Маълумки, мева-сабзавот маҳсулотлари бозорининг ўзига хос жиҳатлари, хусусан, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг кўп сонлилиги, маҳсулот етиштириш мавсумийлик характерда эканлиги, айниқса, боғдорчилик ва узумчилик табиий-иқлим шароитларга узвий боғлиқлиги, маҳсулотнинг тез бузилувчанлиги, уни сақлаш ва ташиш қийинлиги каби ҳолатларни келтириб чиқаради. Ушбу жиҳатлар мева-сабзавотчилик ва узумчилик маҳсулотлари мажмуаси иқтисодиётини ташкил қилишга ўз таъсирини кўрсатади.

Мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мавсумийлик характери биринчидан, асосий технологик жараёнларни ўтказиш, иқтисодий ресурсларнинг бир маромда тақсимланмаслиги ва истеъмол қилиниши, меҳнат ресурсларидан фойдаланишда, иккинчидан, мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш, транспорт воситасида ташиш, сақлаш ва саноат усулида қайта ишлашни ташкил этишда, учинчидан, мева-сабзавот маҳсулотлари бозорида нарх шаклланишида, тўртинчидан, меҳнатга ҳақ тўлаш, молия ва кредитларни ташкил этишда ўз ифодасини топади.

Маркетингни ташкил этиш – маркетинг хизматини бошқарадиган идораларнинг ташкилий кўриниши бўлиб, у ёки бу топшириқни бажариш учун бўйсунуш ва жавобгарликни белгилайди [1].

Маҳсулотлар экспорт салоҳиятига асосан танланган стратегияга мос келувчи ташкилий тузилмани шакллантириш, шунингдек, нафақат корпорация стратегияси тизимини танлаш, балки уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқишни таъминлайдиган ташкилий-иқтисодий тизимни шакллантириш орқали эришилади. Мазкур масала илмий адабиётларда [2,3] кенг ёритилган бўлсада, мева-сабзавот маҳсулотлари корхоналарини бошқариш ҳамда ишлаб чиқариш хусусиятидан келиб чиқиб, ўз таклифларимизни ишлаб чиқишни лозим топдик.

Фикримизча, мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мева-сабзавот маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда кенг миқёсда сотилишини таъминлаш ушбу маҳсулотларнинг сотилиш бозорлари тўғрисидаги замонавий билимларни эгаллаш асосий талаблардан биридир. Шу сабабли, мева-сабзавот корхоналарида маркетинг хизматининг асосий ташкилий вазифаларидан бири маркетингни ташкил этиш, хусусан маркетинг тадқиқотларини ўтказиш услубияти тўғрисида юқори малакага эга кадрларни жалб этиш ҳисобланади.

Экспорт фаолиятида савдони бошқариш бўйича мутахассис сотиш бозоридаги ўзгаришларни таҳлил қилиш тажрибасига, товар, баҳо сиёсатини самарали ташкил этиш кўникмасига эга бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари, савдо ходимларидан товарларни ишлаб чиқариш технологияси ва ундаги ўзгаришлар моҳиятини мукамал ўзлаштирган бўлиши керак.

tuvgunoy\_9\_1



Умуман олганда, корхоналарда маркетинг хизматини ташкил этишга қандай ёндашув танланишидан қатъи назар маркетинг бўлини маси ваколат ва мажбуриятлари аниқ белгиланиши, сотувдаги маҳсулот тури бўйича маркетинг хизмати ва бошқа масъул бўлини малар ўртасидаги муносабатлар тўғри тартибга солиниши лозим (1-чизма).

Кучли рақобат муҳитида фаолият олиб борувчи мева-сабзавот корхоналари, айниқса, экспорт билан шуғулланувчи корхоналарда маркетинг хизматини самарали ташкил этишда чуқур асосланган маркетинг сиёсатини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш долзарб аҳамиятга эга. Маркетинг сиёсати – корхонанинг маркетинг стратегиясига қўйиладиган асосий талабларни мужассамлаштирадиган, маркетинг жараёнининг устувор йўналишларини белгиладиган муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кенгайтиришда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ва маркетинг тамойилларидан фойдаланиш юзасидан қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- мавжуд корхоналарни хатловдан ўтказиш орқали экспорт салоҳиятига эга янги корхоналарни аниқлаш, уларга экспорт фаолиятини йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатиш;
- экспортчиларга жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ жавоб берадиган халқаро сертификат ва лицензиялар, жумладан, Global GAP, ISO ва бошқа ҳужжатларни олишга кўмаклашиш;
- МДҲ ва Европа мамлакатларида 2018 йилда ўтказиладиган 20 та халқаро кўргазма ва ярмаркада

тадбиркорлар иштирокини таъминлаш орқали 250 млн. доллардан ортиқ қийматдаги экспорт шартномаларини имзолаш;

– 173 та хорижий мамлакатларнинг маҳсулот ва хизматларга бўлган талабини ўрганиш орқали тадбиркорлар учун хорижий ҳамкорлар топиш ва экспорт шартномаларини имзолашга кўмаклашиш;

– республиканинг барча ҳудудларида мунтазам равишда корхоналарни экспорт фаолиятига жалб этиш ҳамда юзага келаётган муаммоли масалалар муҳокамасига бағишланган учрашувларни ташкиллаштириш ва бошқалар;

– маркетингнинг назарий асосларини ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда аграр саноат мажмуасининг мева ва сабзавот етиштириш тармоғида маркетингдан фойдаланишнинг ўзига хосликларини ўрганиш;

– мева ва сабзавот етиштириш корхоналарида маркетинг тадбирларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича ёндошувларни кўриб чиқиш ва муайян бир тизимга солиш;

– турли хўжалик юритиш шаклларида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш самарадорлиги ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

– минтақадаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида мева ва сабзавот маҳсулотларини сотиш каналларини ўрганиш;

– мева ва сабзавот етиштириш тармоғидаги корхоналарда маркетинг хизматларини жорий этиш ва фаолиятини юргизиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

– мева ва сабзавот етиштириш тармоғида товар ва нарх сиёсатини такомиллаштириш йўналиши ва маҳсулот савдосини рағбатлантириш тизимларини таклиф этиш;

– мева ва сабзавот ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатувчи инфраструктура ташкил этиш. Ушбу инфраструктура мева ва сабзавот маҳсулотлари бозорида маркетинг фаолияти билан шуғулланади, бу эса корхонага ўз улгуржи савдо тизимини йўлга қўйиш имконини беради. Натижада корхона улгуржи нарх устига қўйиладиган устама нархининг катта миқдордаги улушига ўзи эга бўлади ва корхона ўз маҳсулотининг чакана нархини пасайтириш имконига ҳам эга бўлади;

– мева ва сабзавот маҳсулотлари бозорини ўрганиш тадқиқотлари ҳамда мева ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳамда сотиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш тадқиқотлари доирасида йирик қишлоқ хўжалиги корхоналарида маркетинг хизматларини ташкил этиш ва бу хизматлар самарадорлигини ошириш.

**Туйғуной МАМАДЖАНОВА,**

**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети**

**мустақил изланувчиси.**

### ***Аннотация***

*Мақолада мева-сабзавот маҳсулотлари корхоналарининг экспорт самарадорлигини оширишнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш масалалари баён этилган.*

*В данной статье рассмотрены вопросы совершенствования организационного механизма в повышении экспортного потенциала предприятий плодоовощной продукции.*

*In given article questions perfection organizational the mechanism in increase of an export potential of the enterprises of fruit-and-vegetable production are considered.*

**Калит сўзлар:** маркетинг, маркетингни ташкил этиш, ташкилий механизм, бошқариш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Панкрухин А.П. Маркетинг. Учебник. – М., ИКФ “Омега-Л”, 2009.
2. Мескон М. и Майкл Х. Основы менеджмента. 3-е изд. / Пер. с англ. – М.: ООО “И.Д.Вильямс”, 2008.
3. Годин А. М. Маркетинг: Учебник для вузов. – М.: “Дашков и Ко”, 2009.